



Ички ишкар органларида бошқарув қарорларининг ижросини ташкил қилиш ва унинг аҳамияти.

**Ўринбоев Қувончбек
Жумабой ўғли**

332-гурух

Annotatsiya

Ушбу мақола тадқиқот мавзусининг долзарблиги, Ички ишлар органларидаги қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳамияти, уларнинг турлари ва бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар бўйича тушунчалар, ички ишлар органларидаги қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари Ички ишлар органларидаги қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижроси бўйича ҳисобдорликни ташкил қилишнинг аҳамияти, ушбу фаолият доирасида юритиладиган ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф етиш бўйича бир катор таклифлар. Ички ишлар органларидаги қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижроси бўйича ҳисобдорликни ташкил қилишнинг бошқа хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган

Kalit soʻzlar: Ижро интизоми, бошқарув субъектлари, моддий ресурслар, Ижрочиларнинг манфатлари, Ижрочиларни танлаш.

Аннотация: В данной статье рассматривается актуальность темы исследования, значение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел в деятельности органов внутренних дел, понятия об их видах и требованиях к управленческим решениям, специфика принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел. Кроме того, акты об организации ответственности за исполнение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел, документы, проводимые в рамках данной деятельности, проблемы и недостатки в этой деятельности, а также предложения по устранению имеющихся проблем и недостатков отдельных видов. Освещены передовой зарубежный опыт организации ответственности за исполнение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел, а также отличия и сходства с нашим национальным законодательством, а также

направления совершенствования этой деятельности с использованием вышеуказанных аспектов.

Annotation: In this article, the relevance of the topic of research, the importance of the decisions of the adopted management in the internal affairs bodies in the activities of the internal affairs bodies, concepts on their types and requirements for management decisions, specifics of the decisions of the adopted management in the internal affairs bodies. In addition, the ahamity of Organization of accounting for the implementation of managerial decisions adopted in the internal affairs bodies, documents carried out within the framework of this activity, problems and shortcomings in this activity, as well as one-factor proposals for the elimination of certain types of existing problems and shortcomings. The areas of advanced foreign experience of other foreign countries and their differences and similarities with our national legislation, as well as the improvement of these activities using the above-mentioned aspects of the organization of cis on the implementation of the management decisions in the internal affairs bodies are highlighted.

Қонунларга қатий риоя қилиш Ўзбекистон ижтимоий иқтисодий сиёсий манавий марифий умуман олганда жамиятнинг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритишга имкон беради. Қонуннинг кучи обрўси тасири амалий аҳамияти ҳаётда унинг одилона тадбиқ этилишидир.

Ҳар қандай бошқарув қарори каби иш режасини ҳам тайёрлаш ва қабул қилиш борасида бажарилган операциялар мажмуидан сўнг бошқарув субъекти унинг ижросини ташкил қилиш бўйича катта ҳар томонлама ва мураккаб ишни амалага ошириши керак. Бошқарув қарорининг ижросини ташкил қилиш қабул қилинган қарорни муқаррар аниқ ва ўз вақтида ҳаётга жорий этишга қаратилган бошқарув циклининг асосий босқичи ҳисобланади.

“Қонун ижроси билан кучли” деган иборага урғу берадиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ҳалоллик, адолат асосида иш юритиш мутасаддилар учун асосий мақсад жамият халқ ва Ватан олдидаги буюк инсоний бурч юксак масулият бўлмоғи лозим. Ҳуқуқшунос олим Ҳ. Т. Одилқориев шундай ёзади, “Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг самараси унумдорлиги кўб жихатдан ҳуқуқни тўғри амалга оширишга боғлиқ. Агар ҳуқуқ тадбиқ этилмаса инсонлар ҳатти ҳаракатида ўзининг мужассам ифодасини топмаса ижтимоий тартибга солувчи восита сифатидаги қийматини йўқотади”¹. Шу ўринда айтиш мумкинки қонунларнинг қадрияти сифатидаги мантиғи – унинг инсонларнинг онги ва иродасига тасир ўтказа олиш қобилиятидадир. Айнан шу нарса қонуннинг ҳаракатланиши масаласини долзарб мавзуга айлантиради.

Бошқарув қарорлари ижросини ташкил этишда ижрочилар ўзларининг бурчлари ва масулиятини одилона ёндашиб Ватан давлат манфати ва халқ тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб қабул қилинган бошқарув қарорларни турмушда адолатли қўлласалар бундан давлат ва жамият ҳам халқ

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеев ва бошқ. – Т., 2009. – Б. 401.

ҳам наф кўради. Шу ўринда Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Асосий масала- қонунларнинг мазмун моҳиятини ҳалқимизга ва масул ижрочиларга ўз вақтида етказиш уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, назкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган”². Бу албатта давлат бошқарув органлари жумладан ички ишлар органлари фаолияти юзасидан ҳам тегишли хулоса чиқаришга ундайди.

Бошқарув қарорларини ижросини ташкил қилиш ички ишлар органлари ходимларининг олдида турган мақсадларга еришилишини, уларнинг зиммасидаги вазифа ва функцияларини самарали амалга оширилишини белгилаб беради.

Ички ишлар органларида бошқарув қарорларини ижросини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**”ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 сентябрдаги “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли, 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги 320-сонли ҳамда 2017 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 881-сонли қарорлари билан тартибга солинган.

Булардан ташқари бошқарув субъектлари ташкилий ишларни зарур даражада бўлишини таъминлаш мақсадида бошқарув қарорларини ижросини ташкил қилишга қўйиладиган бир қатор талабларга риоя этишлари керак.

Ушбу талабларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1) Қарорлар ижросини ташкил қилишнинг мамурий ва илмий усулларини бирлаштириш – ушбу талаб бошқарувнинг илмий ва мамурий усуллари чамбарчас боғлиқлигини яни мамурий бошқарув усулларининг самарадорлигини уларнинг илмий асосланганлиги билан боғлиқлигини акс эттиради.

² Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / Postda. – 2016. – № 50.

2) Қарорлар ижросини ташкил қилишнинг самарадорлиги ва мақбуллиги бу ички ишлар органлари уларнинг аппаратлари хизматлари ва алоҳида ходимларининг имкониятларидан енг катта натижаларга енг кам вақт иш кучи ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда еришадиган қилиб фойдаланиш орқали таминланади.

3) Асосий марказий вазифанинг ажратилиши- ушбу талаб ҳал қилиниши бошқарув қарорида қўйилган мақсадга иложи борица яқинлаштиришга имкон берадиган вазифани аниқлаш ва ижрочилар олдига қўйиш орқали амалга оширилади.

4) Қарорни бажаришга ташаббус ва масулият билан ёндашиш бу бошқарув қарорларини бажариш жараёнида ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳам бошқа ходимларининг ҳам ташаббускорлиги ва масулиятини шахсий интизомини уйғунлаштириш орқали таминланади

5) Ташкилий ишнинг аниқлиги-унинг моҳияти бошқарув субъектининг бурчи ижрочилар учун вазифаларни аниқ ва тушунарли ифодалашда қарорни бажаришнинг аниқ йўллари воситалари ва усуллари шунингдек реал муддатларини белгилашдан иборатлигида намоён бўлади.

6) Ижрочиларнинг манфатларини рағбатлантириш- ушбу талаб ички ишлар органлари аппаратлари хизматлари ва айрим ходимларининг қарорда қўйилган мақсадларга еришишдан манфаатдорлиги ва масулиятини кўтариш учун зарур шароитлар яратиш орқали таминланади.

Ҳар қандай бошқарув қарорининг ижросини ташкил қилиш босқичи куйидаги тўртта умумий элементни ўз ичига олади:

- Ижрочиларни танлаш ва жой жойига қўйиш
- Ижрочилар фаолиятини таминлаш
- Ижрони назорат қилиш, тузатишлар киритиш ва тартибга солиш
- Қарор ижросининг якунларини чиқариш

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки қаерда қонун ҳукмронлик қилса шу ерда эркинлик бўлади деганларидек жамиятда қабул қилинаётган қонунлар ва норматив ҳужжатларни халқимизга ва масул ижрочиларга ўз вақфтида етказиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев айтганидек 100 та эмас, 5 та қонун қабул қилайлик, лекин халқчил бўлсин, халқимизга хизмат қилсин деган сўзлари ҳам бежизга эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 августдаги ПФ-5017-сон фармойиши

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқкий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тако,иллаштириш тўғрисида” ги 2019-йил 9-январдаги ПФ-5618-сон фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли,

5. 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли

6. <http://my.gov.uz/> (Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali)

7. <http://lex.uz> (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi)